International

scientific and practical conference

DECEMBER 6
2024

2024



STDF

Science technology& Digital finance

Google Scholar

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions

MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JIZZAKH BRANCH OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN NAMED AFTER MIRZO ULUGBEK

Scientific journal of Science technology & Digital finance

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic

(December 6, 2024)

(Part 2)

Jizzakh-2024

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

The main directions of socio-economic development of New Uzbekistan: problems and solutions collection of materials of the international scientific and practical conference on the topic – Jizzahk: Department of economics and tourism of Jizzakh branch of the national university of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, December 6, 2024, 450 pp.

Editors in charge: DSc.prof. Turakulov O.X., PhD. O'ralov A.I.

In the collection of materials of the conference, the role and role of Science, Education and production in the era of globalization, the pressing problems of the issues of interaction of these processes, feedback on their solutions were presented by mature specialists of the field.

In addition, research on the scientific and practical topic, carried out in the economics, Exact Sciences, Natural Sciences and socio-humanities during the globalization period, information is presented in the scientific and practical fields, which includes the latest innovative technologies in the fields of production.

It can be argued that this collection is one of the specific intersections of current thoughts and innovative ideas of the world of science. This scientific and practical conference was actively attended by professors and scientific researchers engaged in scientific research in Uzbekistan and foreign countries. In increasing the position of the scientific and practical conference, the professors and teachers of domestic and foreign higher educational institutions made a significant contribution.

Professors and teachers of foreign higher educational institutions who actively participated in the work of the conference made a worthy contribution to the high level of interaction with scientists of our country. The processes of international cooperation with foreign countries and exchange with them in the field of Science in the era of globalization have a positive effect on the development of Higher Education, the fields of Science and production. The materials of this conference are special in that they include a wide range of research, from theoretical developments to practical solutions, demonstrating the diversity of approaches and directions in this area.

In conclusion, it should be noted that this scientific and practical conference will be a very useful collection for everyone who is interested in modern research in the fields of further development of Higher Education, Science, Education and production in the era of globalization. The authors are responsible for the content and quality of the articles and abstracts included in the collection.

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Сайдиев Суярбек Амруллаевич
Жиззах вилояти юридик техникуми директорининг биринчи ўринбосари
e-pochta suyarbeksuyarbeksaydiev@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада **х**одимлар, иш берувчилар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти кўриб чиқилади. Ижтимоий шериклик нафақат алоҳида меҳнат жамоалари, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва ҳокимият вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг расмий тизими сифатида, балки ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, манфаатлари ва эҳтиёжларини мувофиқлаштириш ва ҳимоя қилишга қаратилган комплекс инновацион усул сифатида ҳам кўриб чиқилади. Бундан ташқари, у меҳнат субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ўзаро таъсирини амалга ошириш усули сифатида ҳам қаралади.

Калит сўзлар: Ижтимоий шериклик, ходим, касаба уюшмалари, давлат, “Ишорат ва танбиҳат”, диалектика,

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жамият ривожланишининг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, муаммоларини тушуниш, иш берувчи, ходим ва давлат ўртасида барқарор ижтимоий ҳамкорлик ва шериклик тизимини яратиш зарурати долзарб аҳамиятга эга. Ижтимоий шериклик тизимини такомиллаштириш, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришнинг зарурий шарти, бошқа томондан эса, мулкдорлар, тадбиркорлар, ходимлар ва ҳокимият ўртасидаги келишувни таъминлаш варианти ҳисобланади. Замонавий шароитда ижтимоий шерикликни такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётдаги ижтимоий-меҳнат зиддиятларини бартараф этишнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Ижтимоий шерикликнинг мақсади — иш жамоалари орасида тенглик, адолат ва иш ҳақининг асосида соғлом ва мувозанатли иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдир. Тизимнинг такомиллашуви ходимларнинг манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш ва иш жамоалари ўртасидаги конструктив ҳамкорликка асосланади. Корхоналардаги ижтимоий шериклик тизими нафақат ишлаб чиқариш жараёнларини барқарорлаштириш, балки уларнинг етказиб берувчилар ва харидорлар билан ўзаро муносабатлари самарадорлигини оширишга ҳам ёрдам бериши мумкин. Замонавий ижтимоий шериклик тизими бир томондан, корхонанинг меҳнат жамоалари фаолиятини ўз ичига олади ва барқарорлаштиради, иш берувчилар, касаба уюшмалари ва ҳокимият вакилларининг фаолиятини бирлаштиради, бошқа томондан эса ходимлар ва иш берувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024

манфаатларини мувофиқлаштириш, тузатиш ва ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишни белгиловчи кўп қатламли тузилмани ифода этади[1].

Абу Али Ибн Сино ўзининг “Ишорат ва танбиҳат” асарида одамларнинг ўзаро шериклик муносабатлари тўғрисида фикр юритиб, “Инсон ўз шахсий талаблари жиҳатдан бошқалардан ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатдагина уларни қондира олиши мумкин. Жамоанинг барча аъзолари меҳнат билан шуғулланмоғи зарур”[2] , дейди. У жамиятда кишилар ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари асосида яшашлари керак, дейди.

Иқтисодий соҳадаги муносабатлар нуқтаи назаридан қараганда, фуқаролик жамияти ва ижтимоий шериклик диалектикасига ижобий таъсир этадиган тизимни ривожлантириш – меҳнат жабҳасида турлича намоён бўладиган ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари орасида нисбий мувозанатни, келишувни шериклик асосида вужудга келтиришга шароит яратади. Шунинг учун А.Бегматов меҳнат муносабатларида ижтимоий шериклик масаласига тўхталиб, “Ижтимоий шериклик назариясининг мақсади жамиятдаги меҳнат муносабатларида, антагонист синфлар манфаатлари ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф этиш ва консенсусни таъминлашга қаратилган эди”[3] , деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, ижтимоий шериклик иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолатнинг бирга акс этиши механизми бўлиб ҳисобланади

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида тартиб билан, кетма-кетлик асосида ва тушунарли тарзда баён этилган[4].

Ижтимоий шериклик тизими белгиланган органларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ижтимоий шериклик ғоя ҳамда тамойилларини амалга ошириш, ижтимоий-меҳнат ва меҳнатга оид иқтисодий муносабатларни ижтимоий консенсусга таянган ҳолда тартибга солиш каби аниқ белгиланган ижтимоий мақсадга эга. Умуман олганда, ижтимоий шериклик тизимининг мақсад ва вазифалари қуйидаги масалаларни ҳал этишда ўз аксини топади:

- бозор иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;
- жамоа меҳнат низоларининг олдини олиш ва улар ҳал этилишига кўмаклашиш;
- ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик базасини белгиланган тартибда янада такомиллаштириш;

[1] Шипитько А. Б. Методологические основы исследова ния социального партнерства хозяйственных организа ций // Вестн. ПАГС. 2013. № 1 (34). С. 104.
[2] Абу Али ибн Сино. Логика. Избранные произведения. Том 1. –Душанбе: Ирфон, 1980. –С 69-103
[3] Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // “Жамият ва бошқарув”, 2014. №1. – Б.43.
[4] https://lex.uz/docs/6257288

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жамиятда ижтимоий барқарорликка эришиш[5].

Хорижий давлатларнинг бу йўналишдаги амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, ижтимоий шериклик муносабатларининг тарафлари бўлиб асосан иш берувчи, ходим ва давлат (трипартистик) кўринишида намоён бўлган. Ижтимоий шериклик учта даражада – миллий, тармоқлараро ва корхоналар даражасида амалга оширилган.

Саноати ривожланган мамлакатларда ижтимоий шериклик турли кўринишларда намоён бўлган. Хусусан, корпоратив тизим махсус орган (институт), жараёнлар ва механизмлардан фойдаланишни назарда тутади. Бу кўриниш Австрия, Швеция, Япония, Германия, Швейцария, Нидерландияда кенг тарқалган. Масалан, Австрияда ижтимоий шериклик ҳам умуммиллий, ҳам тармоқлараро даражада кенг тизимли маслаҳат кенгашлари ва қўмиталари орқали амалга оширилади. Ижтимоий шерикликнинг махсус институтлари мавжуд бўлмаган давлатларда плюралистик тизим амал қилади (Буюк Британия, АҚШ, Канада)[6].

АҚШ, Канада, Япония ва Лотин Америкаси мамлакатларида ижтимоий шериклик корхона-муассаса даражасида амал қилиши билан ажралиб туради. Бунда иш берувчилар бирлашмалари худди касаба уюшмалари сингари, ўз вакиллари орқали қонун чиқариш жараёнига, шу орқали ижтимоий шерикларга ўз таъсирларини ўтказишга уринадилар[7] .

Ҳозирги кунда ижтимоий шериклик тизимини такомиллаштириш учун бир қатор стратегик қадамлар амалга оширилиши керак ҳисоблаймиз. Жумладан, Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш-Давлат ижтимоий шерикликнинг самарали ишлашини таъминлаш учун қонун ва меъёрларни такомиллаштириши зарур. Бу ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иш жамоалари ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради;

-Касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ҳамкорлигини кучайтириш. Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иш жамоаси билан иш берувчи ўртасида конструктив ўзаро муносабатлар ўрнатиш учун янги механизмлар ишлаб чиқиш керак;

-Ишчи ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш.Шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда ходимлар ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун аниқ дастурлар ва чоралар ишлаб чиқилиши лозим;

-Шахсий ва умумий манфаатларни мувозанатлаштириш. Ижтимоий шериклик остида ҳар икки томоннинг манфаатлари мувозанатли бўлиши керак. Бу ҳолда ходимларнинг шахсий манфаатлари иш берувчиларнинг иқтисодий манфаатлари билан мувофиқлаштирилади;

[5] А.Муминов, Э.Нишанбаева, А.Абдухалилов.Ижтимоий шериклик.-Т.:Университет, 2018.Б-42.
[6] Каргалова М.В. От социальной идеи к социальной интеграции. Становление социальной политики Европейского Союза. –М.: Интердиалект, 1999. –318 с
[7] Семигин Г. Социальное партнерство в современном мире. –М.: Мысль, 1996. –200 с

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

-Меҳнат муҳитида инновациялар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш.Иш жамоасидаги шарт-шароитлар ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратишда замонавий технологиялардан фойдаланиш иш жамоаларида ижтимоий шерикликни ривожлантириш учун муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Ижтимоий шериклик тизимининг такомиллаштирилиши иш жамоаларининг мувозанатли, барқарор ва адолатли иқтисодий муҳитда ишлашини таъминлайди. Бу, ўз навбатида, ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иш берувчиларнинг фаолиятини самарали бошқариш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Муминов, Э.Нишанбаева, А.Абдухалилов. Ижтимоий шериклик.-Т.:Университет, 2018.Б-42.
2. Абу Али ибн Сино. Логика. Избранные произведения. Том 1. –Душанбе: Ирфон, 1980. –С 69-103
3. Бегматов А. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий хавфсизлик // “Жамият ва бошқарув”, 2014. №1. –Б.43.
4. Каргалова М.В. От социальной идеи к социальной интеграции. Становление социальной политики Европейского Союза. –М.: Интердиалект, 1999. –318 с
5. Семигин Г. Социальное партнерство в современном мире. –М.: Мысль, 1996. –200 с
6. Шипитько А. Б. Методологические основы исследова ния социального партнерства хозяйственных организа ций // Вестн. ПАГС. 2013. № 1 (34). С. 104.
7. https://lex.uz/docs/6257288

Department of Economics and tourism of Jizzakh branch of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
6.12.2024